ИНВЕСТИЦИЯ –ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Ғ.М.Ҳайдаров

Мақолада Ўзбекистон ҳукумати томонидан фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ҳамда Фарғона вилоятидаги қўшма корхоналарнинг ташкил топиши ва уларнинг фаолияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *иқтисодий ислоҳотлар, фаол инвестиция, лойиҳа, қўшма корхона, маҳсулот, ишлаб чиқариш, экспорт.*

В статье освещена инвестиционная политика, проводимая правительством Узбекистана, а также проанализирована деятельность совместных предприятий Ферганской области.

Ключевые слова: *экономическая реформа, активная инвестиция, проект, совместное предприятие, производство, производительность, экспорт.*

This article throws light to the investment policy carried out by the government of Uzbekistan and organizing composite the activities of joint ventures of Feghana province are analyzed as well.

Key words: *economic reforms, active investment, project, joint ventures, product, produce, export.*

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг замирида инсон манфаатлари ётар экан, аввало, жамият аъзоларига ҳар томонлама муносиб турмуш даражасини шакллантиришда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ҳам [1.4] иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш устувор вазифа қилиб белгиланган, бунда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва инвестицияларни жалб этишга муҳим эътибор қаратилган. Ўз навбатида, инвестицион муҳитни яхшилаш, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш орқали ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муҳитни такомиллаштиришга эришиш кўзда тутилмоқда [2.40]. Республика иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳоли турмуш шарт-шароитларини яхшилашда хорижий ва маҳаллий сармоялар ҳажмининг йилдан-йилга ўсиб боришига, аввало, давлатнинг инвестициявий сиёсати асос бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг самараси сифатида сўнгги беш йил давомида маҳаллий ва хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши натижасида йиллик

ўсиш суръати ўртача 9% дан кўпроқни ташкил этганини кўрсатиш мумкин. Сўнгги ўн йилликда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган маҳаллий инвестициялар ҳажми 3,2 марта ошган бўлса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёдга ўсди. Иқтисодиётнинг асосий тармоғи бўлмиш енгил саноатнинг тубдан модернизация ва диверсификация қилиниши натижасида соҳага йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўсиш суръати 2010 йилда 9,2 % ни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсатгич 23 % га етди.

Биргина Фарғона вилояти мисолида олсак, 2005-2007 йиллар мобайнида вилоятга хорижий инвестицияларни жалб қилиш Дастури доирасида тизимли ишлар амалга оширилди. Ушбу ишлар 409,5 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициявий лойиҳаларни ўз ичига олади. Мазкур лойиҳалар 329 млрд. сўмлик ишлаб чиқариш ҳажмини амалга ошириш, шу жумладан, 191 млн. АҚШ долларлик экспорт ҳажмини ўзлаштириш ва 18400 та янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Дастур доирасидаги ишларни ип-калава, трикотаж матолар, тўқима ва трикотаж буюмлари, қурилиш моллари, шиша идишлар, паррандачилик маҳсулотлари, қуруқ сут каби маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишини кўзда тутган ҳолда кенгайтириш режалаштириляпти.

Чет эл инвестициялари ҳажми вилоят халқ хўжалиги тармоқлари кесимида қуйидагича тақсимланди:

- тўқимачилик саноати – 154,7 млн. АҚШ долл. (37,7 фоиз);
- чет эл инвесторларига вилоят корхоналарининг акцияларини сотиш – 50,3 млн. АҚШ долл. (12,3 фоиз);
- кимё саноати - 93,8 млн. АҚШ долл. (22,9 фоиз);
- вилоят ирригация тизимини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар – 51,2 млн. АҚШ долл. (12,5 фоиз);
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш – 40 млн. АҚШ долл. (9,8 фоиз);
- озиқ-овқат саноати – 12,9 млн. АҚШ долл. (3,1 фоиз);
- вилоят иқтисодиётининг қолган тармоқлари – 45 млн. АҚШ долл. (10,9 фоиз).

Енгил саноат лойиҳаларига чет эл инвесторларини жалб қилиб, ип-калавадан маҳсулот (кўйлак, футболка, пайпоқлар) ишлаб чиқариш, вилоятда аҳоли кўплиги ва зич жойлашгани ҳисобга олинса, мазкур соҳада, айниқса, аёллар учун янги ишчи ўринлари ташкил қилиш имкониятини берди. Янги ташкил қилинган иш жойларининг умумий ҳажмидан 40 фоизга яқини ушбу тармоққа тўғри келди. Шунингдек, трикотаж буюм ва матоларни бўяш бўйича янги ишлаб чиқариш жорий қилинди.

2005 йилнинг олти ойи якунлари бўйича ўтказилган мониторингга кўра, инвестициялар миқдори 26,2 млн. АҚШ долл.га етди. Шу жумладан, 18 та лойиҳа бўйича 24, 98 млн. АҚШ долл., шундан 651, 7 минг АҚШ долл. чет эл инвестициялари қуруқ мевалар ишлаб чиқариш бўйича «Шарқ неъматлари» ҚК ва 958 минг АҚШ долл. «Mega-Dry» ҚК жалб қилинган. «Акбарали» хусусий корхонаси кредит ҳисобига ип-калава ишлаб чиқариш бўйича Германия ва Ҳиндистон ускуналарини сотиб олди. Ҳозирги кунда ушбу корхоналар ўз маҳсулотларини муваффақиятли ишлаб чиқариб, экспорт қиляпти. Бешариқда футболкалар ишлаб чиқариш учун «Майер» (Германия), «Кромсон» (Туркия) фирмаларининг ускуналарини етказиб бериш бўйича «Бешариқ Текстил» ОАЖда шартнома имзоланди ва «Жуки» (Япония) фирмаси ускунаси етказиб берилди. 2005 йилда 44 млн. АҚШ долл.га 3454 та янги иш жойлари барпо қилинди, 82 млн. АҚШ долл. ҳажмида маҳсулот экспорт қилинди [3].

2008 йилда вилоят ҳудудида жами 12 та (жумладан, Фарғона шаҳрида 4 та, Қўқон шаҳрида 2 та, Марғилон шаҳрида 1 та, Фарғона туманида 1 та, Қува туманида 2 та, Риштон ва Боғдод туманида 1 тадан) хорижий инвестицияларни жалб этиш натижасида корхоналар ташкил этилди. Хорижий сармоялар эвазига вилоят ҳудудига 4,8 млн. АҚШ доллари ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилиши ҳисобига 506 та доимий иш ўрни яратилди [4].

Хорижий сармояларни жалб этиш натижасида мавжуд корхоналарни технологик модернизация қилиш ҳисобига юқори сифатли калава-ип олиш имконияти янада ошди, бу эса, ўз навбатида, экспорт матолар ишлаб чиқариш суръати ҳамда енгил саноат корхоналари экспорт имкониятларининг янада ортиши, валюта тушумларининг кўпайишига олиб келди.

Фарғона вилоят ҳокимининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қароридан келиб чиқиб, 2012-2015 йилларда Фарғона вилоятининг бир қанча шаҳар, туманларида ўтказилган ҳалқаро анжуманларда чет эл компаниялари билан мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихона вакиллари иштирокида ўзаро манфаатли келишувларга эришилди. Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Голландия, Индонезия ва бошқа мамлакат ишбилармонлари маҳаллий

тадбиркорлари билан шартномалар имзоланиб, ушбу келишувлар натижасида Фарғона вилоятида сўнгги йилларда 30 га яқин чет эл сармояси киритилган қўшма корхоналар ишга тушди [5-20]. Улар қуйидагилардир:

Фарғона шаҳрида 7 та: Ўзбекистон-Хитой «To produce and construction material» ҚК (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Туркия «Farg'ona shirinlik savdo» ҚК (ошхона хизмати), Ўзбекистон-Хитой «Fergana qichenng» ҚК (жунни дастлабки қайта ишлаш), Ўзбекистон-Россия «Biotest medical» ҚК (лаборатория хизмати), Ўзбекистон-Озарбайжон «Zamon décor servis» ҚК (қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Fergana guotai zhongyi» ҚК (жунни қайта ишлаш), Ўзбекистон-Хитой «Фарғона Савдо плюс» (савдо воситачилик).

Қўқон шаҳрида 6 та: Ўзбекистон-Хитой «Fertilizer and Minerals» ҚК (фосфорли ўғитлар ва бошқа ноорганик маҳсулотлар ишлаб чиқариш), «Qo'qon Asaka Tekstil» Россия хорижий корхонаси (трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Туркия «BEST LUCK» ҚК (трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Жюлян эксклюзив материалис» (тайёр кийимлар), Ўзбекистон-Хитой «AROUND BUSINESS PEOPLE» (воситачилик), Ўзбекистон-Белоруссия «NOVOGAS-KOKAND» (хизмат).

Қувасой шаҳрида Ўзбекистон-Хитой «SUN FA» ҚК.

Фарғона туманида 2 та: Ўзбекистон-Хитой «Farg'ona Wangjige» ҚК (ғишт ва сопол черепица ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Корея «Buloqzor-taomlari» ҚК (ошхона хизмати).

Ўзбекистон тумани: Ўзбекистон-Хитой «Asia Excellent Plus» ҚК (қурилиш махсулотлари-электрод ишлаб чиқариш)

Данғара туманида 2 та: «Kiral shoes» Хитой хорижий корхонаси (пойафзал ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Asia-China Shoes» қўшма корхонаси (пойабзал ишлаб чиқариш).

2015 йилнинг октябрь ойигача Фарғона вилоятида рўйхатдан ўтган ва хориж инвестицияси ҳисобидан фаолият олиб бораётган корхоналар сони 149 тани ташкил этиб, ундан 142 таси фаолият юритиб [6] келмоқда. Вилоятнинг 2015 йилнинг 9 ойида ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажми 887,6 млрд. сўмни ёки 2014 йилга солиштирганда 115,2 % ни ташкил этди. Вилоятнинг ялпи саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 20,5 % га тенг бўлмоқда.

Корхоналар экспорти 144,8 млн. АҚШ долларига етиб, ўсиш 100,9 % ни, экспортидаги улуши 37,2 % ни ташкил этмоқда.

2015 йилнинг 10 ойида 20 та янги хорижий инвестицияли қўшма корхоналар ташкил этилди. Жумладан, Марғилон шаҳрида 2 та: Ўзбекистон-Хитой «All metall invest» ҚК (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Vodiy siymo invest» ҚК (улгуржи савдо);

Фарғона шаҳрида 10 та: Ўзбекистон-Қирғизистон «Farg`ona izlanish-ixtiro texnologiyasi» ҚК (резина буюмлар ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Жанубий Корея «Husn Chiroyi» ҚК (тиббий хизмат кўрсатиш), Хитой «Fergana Premium Medical» хорижий корхонаси (тиббий хизмат кўрсатиш), Хитой «Fergana Sintepon Servis» хорижий корхонаси (пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш), Хитой «Fergana ignaterapiya servis» хорижий корхонаси (тиббий хизмат кўрсатиш), Ўзбекистон-Хитой «Qo`qon evro qurilish materiallari» ҚК (курилиш материаллари ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Great wall ceramic industries» ҚК (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Bin Li Xin» ҚК (тиббий хизмат кўрсатиш), Ўзбекистон-Қозоғистон «Taraz servis effect» ҚК (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Modema Ceramic Industries Fergana» ҚК (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш);

Қувасой шаҳрида 1 та: Ўзбекистон-Россия «MAGMA STROY INVEST» ҚК (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш);

Қўқон шаҳрида 3 та: Ўзбекистон-Жанубий Корея «Akmal new special product» ҚК (қоғоз ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Brush invest» ҚК (Чўтка ишлаб чиқариш), Ўзбекистон-Хитой «Comfort velo parts» ҚК (велосипед ва ногиронлар аравачаси ишлаб чиқариш);

Бағдод туманида 1 та: Ўзбекистон-Хитой «Farovon Bag`dod» ҚК (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш);

Бувайда туманида 1 та: Ўзбекистон-Қозоғистон «Bahrom trade group» ҚК (чакана савдо хизмати);

Учкўприк туманида 1та: Ўзбекистон-Хитой «Mehrigiyo-Dilruz» ҚК (фармацевтика маҳсулотлари);

Қўштепа туманида 1 та: Ўзбекистон-Қозоғистон «Legenda zolotoy dolini» ҚК (мева-сабзавотларни қайта ишлаш).

Тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 19 млн. долларни ташкил этди, 483 та доимий иш ўрни яратишга эришилди.

2012 йилда 22 та қўшма корхона 11,6 млрд. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар олган бўлса, 2013 йилда 22,7 млрд. сўмлик, 2014 йилда 27 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзлар олди. 2015 йилда олинган имтиёзлар 30 млрд. сўмдан ортди. Ушбу маблағлар корхоналар фаолиятини кенгайтиришга сарфланмоқда.

2015 йилнинг 9 ойи давомида олиб борилган мониторинг маълумотларига кўра дастурга киритилган лойиҳалар бўйича (қўшимча лойиҳалар билан бирга) жами 57,5 млн. доллар (103,4%) инвестициялар жалб қилинди ва шундан 38,6 млн. доллар (104,8%) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига тўғри келмоқда.

Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар текстиль (7,5 млн. долл), қурилиш (16,2 млн. долл.), хизмат кўрсатиш соҳаси (1,0 млн. долл.), чарм-пойабзал (760 минг. долл), мева-сабзавот (470 минг. долл.), машинасозлик (1,2 млн. долл.) ва бошқа соҳалар (798,3 минг долл)га йуналтирилган.

Ўзбекистон-Хитой «Болажон орзуси» қўшма корхонасида кузги, ишчилар ва ҳарбийлар оёқ кийимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига ишлаб чиқариш кенгайтирилмокда. Корхонага Хитойдан қиймати қарийб 1 млн. АҚШ долларига тенг ускуналар сотиб олинди. Корхонада йилига 150 минг жуфт пайафзал тайёрланган бўлса, модернизеция қилиш натижасида 500 минг жуфт пайафзал тайёрлашга эришилди.

«Бешариқ Тўқимачи» МЧЖда ип-калава ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиш бўйича Швейцариянинг Ритер компаниясидан умумий қиймати 400 минг долларлик ускуналар (вентилятор, тасмали ва эҳтиёт қисмлар) сотиб олинди ва 2015 йил 2 чорагидан бошлаб суткасига 8 тонна ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон-Жанубий Корея «Fergana Oseana» Қўшма корхонасида ип-калава ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун Туркиянинг «Tensang» ва Германиянинг «Trushler» компанияларининг 2,5 млн. долларлик ускуналари сотиб олинди, корхонада қурилиш ишлари якунланиб, 2015 йилнинг 3-чораги охирида корхона йиллик 3 минг тонна ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.

Ўзбекистон-Туркия «Қўштепа ипак гиламлари» қўшма корхонасида ипак гилам ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун хорижий ҳамкор томонидан жами 235 минг доллар қайта инвестиция киритилди, шундан умумий суммаси 115 минг долларлик ускуналар келтирилди. Ўзбекистон-Иордания «Фергана Спиннинг» қўшма корхонасида ип-калава ишлаб чиқаришни модернизациялаш доирасида 2015 йил апрель-май ойларида умумий суммаси 1600,0 минг доллар қийматида ускуналар сотиб олиниб, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Корхонанинг қуввати йилига 1,1 минг тонна ипкалава тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, модернизация натижасида йиллик қуввати 1,5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқаришга етказилди.

2017 йил 22-23 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Фарғона вилоятига ташриф буюриб, жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишди, шунингдек, уларни янада такомиллаштириш, амалга ошириш жараёнларини тезлаштириш, иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади [7].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналарга берилаётган имтиёз ва кафолатлар, яъни 15 йил муддатга солиқдан озод этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини икки йил мобайнида текширмаслик, ҳеч шубҳасиз, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига улкан таъсир кўрсатиб, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг янада кўпайишига, бунинг натижасида мамлакатимизга кириб келаётган инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, аҳоли бандлигининг ортишига, аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш фаровонлигининг ўсиши, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

2. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари.- Т., 2017.

3. Фарғона вилояти иқтисодиёт бош бошқармасининг 2005 йилги маълумотлари.

4. Фарғона вилоятининг статистика бошқармаси маълумотлари. 2008 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Фарғона вилоят бўлими, 2048-жамғарма, 14-рўйхат, 24-йиғма жилд, 5-11 варақ.

6. Фарғона вилоят иқтисодиёт бош бошқармасининг 2015 йил 19 ноябрдаги №1904/6 сонли хати.

7. Халқ сўзи.- 2017.- 22 июн.

Андижон давлат университети,
2018 йил 15 январда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. О.Комилов)